

РАҲИМЖОНОВ Дурбек Обиджонович
Ўзбекистон халқаро ислом академияси
Исломишунослик ва ислом цивилизациясини
ўрганиш ICESCO кафедраси доценти, тарих
фанлари номзоди
durbekr@yahoo.com

“ТАФСИР МАТНЛАРИ” ФАНИНИ ЎҚИТИШНИНГ САМАРАЛИ УСУЛЛАРИ

ЭФФЕКТИВНЫЕ МЕТОДЫ ОБУЧЕНИЯ ПРЕДМЕТА «ТЕКСТЫ ТАФСИРОВ»

EFFECTIVE METHODS OF TEACHING THE SUBJECT “TAFSEER TEXTS”

Аннотация. Ушбу мақолада Ўзбекистонда сўнги пайтларда исломишунослик соҳасида амалга оширилган ишлар, хусусан, ислом илмларидан тафсирушунослик йўналишининг асосий қисмларидан бўлган “Тафсир матнлари” фани ҳақида атрофлича маълумот берилган. Ушбу фанни мустаҳкам эгаллаш талабаларда ислом манбаларининг мазмун-моҳиятини тўғри англашга ёрдам беради. Мақолада ислом динининг бирламчи манбаси бўлмиш Қуръони каримни ақидавий ва фикҳий жиҳатдан тўғри талқин қилишда “Тафсир матнлари” фанининг ўрни кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: тафсир, тафсир би-л-маъсур, тафсир би-р-раъй, манокӣб, исроилиёт, хабар, ҳадис, “Тафсири Табарий”, “Тафсири Насафий”.

Аннотация. В данной статье дана подробная информация о последних работах в области исламоведения в Узбекистане, в частности, предмета «Тексты тафсиров», который является одним из основных частей направления исламоведения. Крепкое усвоение этого предмета помогает студентам правильному пониманию сути исламских источников. В статье показана роль предмета «Тексты тафсиров» в правильном толковании Корана, который является основным первоисточником ислама.

Ключевые слова: тафсир, тафсир би-л-маъсур, тафсир би-р-раъй, манакӣб, исраилият, хабар, хадис, “Тафсир Табарий”, “Тафсир Насафий”.

Annotation. This article provides detailed information about the latest works in the field of Islamic studies in Uzbekistan, in particular, the subject “Tafseer texts”, which is one of the main parts of the direction of Islamic studies. A strong assimilation of this subject helps students to correctly understand the essence of Islamic sources. The article shows the role of the subject “Tafseer texts” in the correct interpretation of the Koran, which is the main primary source of Islam.

Keywords: tafseer, tafseer bi-l-ma'thur, tafseer bi-r-ra'y, manaqib, israiliyat, khabar, hadith, “Tafseer Tabari”, “Tafseer Nasafi”.

КИРИШ

Ортимизда охириги йилларда аждодлар илмий меросини ўрганиш борасидаги қатор хайрли ишлар амалга оширилмоқда. Шу қатори Қуръонни ўрганиш ва айниқса тафсир илми билан боғлиқ илмий нашрлар, таржималар, ўқув адабиётлари тайёрланмоқда. Хусусан, ислом динини илмий асосда ўрганиш, унинг бирламчи манбаси бўлмиш Қуръони каримни тадқиқ қилиш, тафсир матнларини таржима ва нашр қилиш ишлари амалга оширилди. Ўзбекистон олимлари томонидан ҳам бир қатор тафсирлар чоп этилди.

Ислом тарихида кўплаб тафсирлар ёзилган. Айрим тадқиқотлар натижаларига кўра, бугунги кунга қадар олти мингдан ортиқ тафсир таълиф этилган деб ҳисобланади. Бу жараён айна кунда ҳам тўхтовсиз давом этмоқда. Аммо илк ислом даврида юзага келган тафсирлар кейинги асарлар учун асос бўлиб қолаверади. Шу сабабли ҳам ислом тарихида ўтган Муфассирларнинг ҳаёти ва илмий фаолиятларини ўрганиш, уларнинг ижтимоий, диний, сиёсий ва маданий ҳаётдаги ўрнини очиб бериш муҳим аҳамият касб этади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Муфассирлар қолдирган тафсир илмига оид асарларни чуқур тадқиқ этиш, уларни қиёсий ўрганиш исломшуносликда бугунги куннинг долзарб вазифаларидан бўлиб қолмоқда. Ислом тарихида пайдо бўлган ижтимоий-диний масалаларнинг тафсир китобларидаги ечимларини ёритиб бериш мазкур масала ва муаммоларнинг тўғри ва самарали ҳал этишда алоҳида аҳамиятга эга.

“Тафсир матнлари” фани ўзи билан бирга яна бир қатор фанларнинг услубий асосини ташкил этиб, улар учун замин бўлиб хизмат қилади. Хусусан, араб тили, қуръоншунослик, ҳадисшунослик, калом, тасаввуф, фикҳ каби йўналишидаги фанларни ўрганишда тафсир матнларини билиш ва улардан тўғри усулда хулосалар олиш муҳим ўрин тутди.

Мазкур фанни исломшунослик йўналиши талабаларига ўқитишдан **мақсад** уларда тафсир илмининг шаклланиши ва ҳозирги кундаги ҳолати, мовароуннахрлик муфассирлар ҳаёти, ислом манбаларидан фойдаланишда мафкуравий иммунитетни шакллантириш, уларни бирёқлама эмас, балки кенг илмий асосда фикрлар ва ғоялар ҳар хиллигини тўғри англаш ва талқин этиш салоҳиятини шакллантиришдан

иборат. Шунингдек, ушбу фанни ўзлаштирувчи талабаларни тафсир соҳасида амалга оширилган янги тадқиқотлар билан таништириш, замонавий тафсиршуносликдаги вазифалар, муаммолар ва уларнинг ечим усуллари ҳақида етарли билимларни шакллантириш ҳам ушбу фанни ўқитишдан кўзда тутилган.

Қўйилган мақсадга эришиш учун талабаларга диний бағрикенглик, давлат, жамият ва дин ўзаро муносабатларидаги мувофиқликнинг зарурлиги, Қуръон ва ҳадисларни тўғри тушуниш, ўз билим ва кўникмаларини қўллай билиш кўникмаларини шакллантиришдан вазифаларини амалга ошириш талаб этилади.

МУҲОКАМА

Бугунги кунда мустақил Ўзбекистондаги ўзбек тафсиршунослигида ўзига хос бир йўналиш юзага келди. Мустақиллик арафасида Шайх Алоуддин Мансур томонларидан амалга оширилиб, мустақилликнинг илк йилларида халқимиз орасида кенг ёйилган Қуръони карим тафсири XX аср охирида бу йўналишда амалга оширилган йирик ишлардан бўлди. Бунинг натижасида халқимиз нафақат юртимиздаги, балки дунёдаги ўзбекзабон ўқувчилар ислом динининг бирламчи манбаси ҳақида яқиндан танишиш имкониятига эга бўлдилар. Аммо оятларнинг атрофлича шарҳланмаганлаиғи сабабли тарли гуруҳлар бу таржимадан чиқадиган хулосаларни ўз манфаатларига мос тарзда турли жиҳатларга тортишга урина бошладилар.

Ислом илмлари орасида “Қуръон илмлари” номли алоҳида йўналиш борки, уни батафсил билмай туриб бу манбадан ўзбошимчалик билан ҳукм чиқариш, ҳаётга татбиқ этишга уриниш қатор муаммоларни келтириб чиқаришини сўнгги тарихий жараёнлар яққол кўрсатди. Жумладан, “Сабаби нузул”, “Носих ва мансук”, “Ом ва хос”, “Мантуқ ва мафхум” каби Қуръон илми йўналишларида қайси оятдан қандай ҳукм олиш мумкинлиги аниқ ёритиб берилди.

Мисол тариқасида фикҳдаги таяммумга асос бўлган “Нисо” сураси 43-оятда келган қуйидаги сўзларда:

... فَلَمْ تَجِدُوا مَاءً فَتَيَمَّمُوا صَعِيدًا طَيِّبًا فَامْسَحُوا بِوُجُوْهِكُمْ وَأَيْدِيكُمْ ...

“... (ғусл қилишга) сув топа олмасангиз покиза ер (тупрок, тош, қум, чанг кабилар) билан таяммум қилиб, юзларингиз ва қўлларингизга суртинг...” [1:85], калимасидан таяммумнинг қандай қилиниш ҳукми чиқарилганда таҳоратдаги қоидаларни “ҳамл” (юклаш, татбиқ қилиш) қоидаси қўлланилади. Яъни

сув билан таҳорат олишда юзни ювиш деганда оғиз бурунни ҳам чайиш назарда тутилади, аммо таяммумда фақат юзнинг устига қўлни суртиш талаб этилади. Аммо қўлни ювишда таҳоратга қўйилган “тирсак билан ювиш” шартига амал қилинади, яъни таҳоратдаги ушбу талаб таяммумга “ҳамл” (татбиқ) қилинади [2]. Бундан оятда келтирилган биргина сўз билан, “Усул ал-фикҳ” илмида қўлланиладиган қоида билмай тариб ҳукм чиқаришнинг иложиси йўқлиги маълум бўлади.

Мазкур давр учун Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф томонларидан амалга оширилган “Тафсири ҳилол” асари ҳам алоҳида эътиборга лойиқ ҳисобланади [3]. Бу тафсирда оятларнинг қисқа таржима ва тафсири билан биргаликда уларнинг кенгайтирилган шарҳлари ҳам берилди. Олти жилддан иборат бу тафсирда Қуръони карим қиссалари, аҳли китоблар, уларга берилган илоҳий манбалар, оятлардан чиқариладиган ақидавий масалалар ва фикҳий ҳукмлар ҳақида атрофлича тўхталиб ўтилган. Бу эса ихтилофли масалаларнинг авж олишининг олдини олишга хизмат қилади.

XXI асрда тафсир соҳасида амалга оширилган яна бир нашр Шайх Абдулазиз Мансур томонларидан амалга оширилган “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” дир [4]. Бу тафсирининг ўзига хос жиҳатларидан бири шундаки, унда асосан ҳанафий мазҳабига оид тафсирлардан фойдаланилган. Шу сабабли ҳам оятларнинг бошқа мазҳаб ва ақидавий йўналишлардаги талқини ва ҳукм чиқариш усулларида фарқли равишда ҳанафий ёндашувни ўз ичига олган. Бу эса турли мазҳаблар ечимлари орасидаги ихтилофларга барҳам беради.

Шу сабабли ҳам “Тафсир матнлари” фанидан дарс бериш жараёнида талабаларга оятларнинг маъноларини таржима қилишда турли ихтилофларга сабаб бўлмаслиги учун бирламчи манба сифатида Шайх Абдулазиз Мансур томонидан нашрга тайёрланган “Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири” китоби олиниши мақсадга мувофиқ. Шу билан бирга “Тафсири Жалолайн” китобидаги маънолар билан батафсил таништириш лозим бўлади.

Шунингдек, Дарс жараёнида Шайх Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуфнинг “Тафсири Ҳилол”, Имом Бухорий халқаро илмий тадқиқот маркази томонидан ўзбек тилига таржима қилиб чоп тилган Имом Мотуридийнинг “Таъвилот ал-Қуръон” каби ўзбек тилидаги таржима ва тафсирлардан ҳамда араб тилидаги Абул Баракот Насафий, Ибн Жарир Табарий, Хўжа Муҳаммад

Порсо тафсирларидан фойдаланиш талабада тафсир би-л-маъсур, тасаввуфий тафсирлар, ханафий тафсирлар ҳақидаги тушунчаларини кенгайтиришга ёрдам беради. Яъқуб Чархий бўйича амалга оширилган тадқиқот натижалари [5] ва туркий тилига ўтирилган қўлёзманинг факсимиль нашрларидан фойдаланиш тингловчини бугунги кундаги Қуръон бўйича амалга ошириладиган илмий тадқиқотлардан бохабар қилади.

Талабаларнинг ўтиладиган мавзу доирасида бугунги кунда Ўзбекистон халқаро ислом академиясида 24.00.02 – “Қуръоншунослик. Ҳадисшунослик (исломшунослик, тарих фанлари бўйича), 24.00.01 – “Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисосликларидан бир қатор PhD ва DSc докторлик диссертациялари химоялари амалга оширилмоқда. Хусусан, улар орасида DSc Д.Махсудов [6], М.Абдуҳамидов [7], А.Иноятов [8] каби тадқиқотчиларнинг илмий иш натижалари ва улар асосида чоп этилган монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар билан яқиндан танишишлари тафсир матнларини ўқишда эътибор қаратишлари лозим бўлган асосий йўналишларни билишлари учун муҳим ҳисобланади.

Ушбу фанни ўқишда тафсир илми моҳиятига чуқурроқ кириб боришлари учун талабаларга бевосита араб тилидаги манбаларни ўқиш лозим бўлади. Тафсир илмига оид матнларни ўқиш давомида ислом тарихида энг аввало араб тилида ёзилган тафсир китобларининг ёзилиш услубларини билиш, араб, форс, туркий (эски ўзбек ёзуви) тилларидаги тафсир матнларини ўқиш малака ва кўникмаларига эга бўлишлари ҳам талаб этилади. Тафсиршунослик фани доирасида тафсир илми тарихи, муфассирлар таржимаи ҳоли, тафсир илми йўналишлари ҳақида назарий билимлар берилиши бўлса, тафсир матнлари фанида талабалар бевосита араб, форс, туркий тилларидаги тафсир матнларини ўқиш орқали тафсир фани ичига кириб боришлари талаб этилади. Амалий машғулотлар жараёнида эгалланган кўникмалар назарий билимларни мустаҳкамлашга хизмат қилади. Шу сабабли ҳам бу фанни ўқишда амалий машғулотларга кўпроқ соатларни ажратиш мақсадга мувофиқ.

Тафсир матнларини ўқиш учун араб, форс, турк ва эски ўзбек ёзувидаги манбаларни ўқиш малакасига эга бўлиш мазкур тилларни айнан классик вариантини яхши билишни талаб этади. Ушбу фанни ўқиш давомида бир вақтнинг ўзида талабалар мазкур тиллар бўйича ҳам амалий тажрибалари ҳам ортиб боради. Шу сабабли тафсир матнларини ўқиш давомида талабалар қўлёзма ўқиш амалиёти билан ҳам

танишадилар. Бу эса келгусида уларнинг қўлёзмалар билан ишлаш кўникмасига эга бўлишларига хизмат қилади. Шунингдек, тафсир матнлари билан танишиш давомида ислом манбашунослиги ва матншунослигига оид билимлар ҳам мустаҳкамланади, амалий тажриба орттирилади. Бу орқали ислом тарихи, маноқиблар, ҳадис илмига оид иснодларни ўқиш ва улар орасидаги Қуръон оятлари тафсирларига оид хабарлар билан бевосита танишиш имконияти юзага келади.

Тафсирлар орасида ханафийликда машҳур бўлган “Тафсири Табарий”, “Тафсири Насафий”, “Тафсири Порсо”, “Тафсири Жалолайн”, Имом Мотуридийнинг “Таъвилот аҳли сунна” каби тафсирларидан намуналарни ўқиш, ўзбек тилига таржима қилиш, унда келтирилган тафсирларни тушуниш, тўғри талқинда етказиб бериш кўникмаларини талабаларда ҳосил қилиш муҳим аҳамиятга эга. Зеро, тафсирдан олинадиган ҳукмларни қабул қилишнинг ўзига хос қонуниятлари бор. Шунингдек, тафсир қилинадиган оятларни тўғри қироат шакллариини ўрганиш ва тафсирда грамматик қоидаларни тўғри қўллай олиш кўникмаларини шакллантиришга алоҳида эътибор қаратиш лозим бўлади.

Тафсир илмининг тарихи илк ислом даврига бориб тақалади. Расулulloҳ (с.а.в.) томонидан саҳобаларнинг Қуръон оятлари бўйича берилган саволларга айтилган жавоблар ҳам бирламчи тафсир манбаси ҳисобланади. Ушбу манба асосида, яъни ҳадислар ёрдамида ёритилган тафсирларни ўрганиш учун ҳадис илми шартларини билиш ҳам муҳим саналади. Зеро, саҳобалар Қуръон оятларини тафсир қилишда ижтиҳод қилишда Араб тилининг нозик қирраларини билишлари, арабларнинг одатларидан хабардорликлари, Қуръон нозил бўлган пайтдаги Арабистон яриморотида истиқомат қилувчи жоҳилия давридаги ижтимоий ҳолатларни яхши билганликларидан унумли фойдаланганлар.

Саҳобалар янги тафсир мактабларига асос солганлар. Шу сабабли ҳам илк ислом давридаги тафсир мактаблари фаолиятини, уларнинг асосий намоёндаларини билишлари талаб этилади. Бу мактаблар алоҳида илм марказлари сифатида ривожланди. Тобеинлар эса саҳобалар бошлаган ишни давом эттирдилар. Саҳобалардан олган тафсир илмига оид маълумотларни китобларга жамладилар. Тафсир илми ривожининг илк даврида Макка тафсир мактаби, Мадина ва Ироқ тафсир илми мактаблари энг йириклари бўлган.

Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) Макка мактабининг асосчиси эди. Зеро, Умар ибн

Хаттоб (р.а.) Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.)ни “Қуръони каримнинг ажойиб таржимони” деб атаган эди. Макка шаҳрида тобеинлар учун Абдуллоҳ ибн Аббос (р.а.) томонидан тафсир дарслари уюштирилди. Тафсирдан ташқари бу саҳобий ҳадис ва бошқа ислом илмларидан илм толибларига сабоқ берганлар. Саид ибн Жубайр бу дарсларда фаол қатнашган шогирдлардан бўлди. Шунингдек, Мужоҳид, Иқрималар ҳам олган билимларини кейинги авлодга етказишда жонбозлик кўрсатдилар. Товус ибн Кайсон ва Ато ибн Абу Рабоҳлар тафсир бўйича эшитганларини шогирдларга ўргатдилар [9:172-190].

Тафсирларни тадвин қилиш, яъни тартибга солиш, Қуръон сура ва оятлари тартибида бериш VIII аср ўрталарига тўғри келади. Ушбу вақтга келиб янги тафсирлар ёзила бошланди. Қуръон илмлари бўйича янги ёзилган тафсирларда саҳоба ва тобеинлардан эшитилган маълумотлар жамланиши билан бирга ижтиҳод билан тафсир қилиш ҳам яққол кўзга ташлана бошлади. Мовароуннаҳрда ёзилган тафсирлар ҳам ҳанафий тафсирлар орасида алоҳида эътиборга лойиқ ҳисобланади [10:471-477].

Тафсир китобларининг ёзилиши билан бирга оғзаки ривоят бу илм ривожига биринчи ўринда турар эди. Араблар орасида кенг тарқалган оғзаки ривоят қилиш салоҳиятининг юқорилиги, ёзув қуролларининг ҳали ривожланмагани сабабли бу каби илмларнинг устоздан шогирдга оғзаки дарс бериш йўли билан узатилиши одат тусига кирган эди. Оғзаки ривоятларни ёзма ҳолатга келтириш жараёнлари ва унда хабарларни саралаш усуллари билиш ҳам талабаларга зарурий билимлар қаторига қиради.

Абу Жаъфар Табарий, Ибн Можа, Ҳоким, Ибн Ҳиббон каби олимлар ҳадислар асосида Қуръони карим оятларининг тартиби бўйича тафсир китобларини ёза бошлаганлар. Биринчи даврда ёзилган тафсирлар, одатда алоҳида оят ёки сураларга бағишланган бўлиб, тўлиқ тафсирлар кейинроқ шаклланди. Вақт ўтиши билан тафсирлар орасида иснодларини келтирмай, ровийларини кўрсатмай ёзиладиганлари пайдо бўла бошлади. Шунинг учун ҳам бу турдаги асарларга нотўғри хабарлар ва исроилиёт ривоятлари қўшилиб қолди. Бу каби тафсирларда муфассир хабарларнинг тўғри ёки нотўғрилигини айтмай, бериб кетаверган. Оқибатда уларни ўқиган киши бу хабарларнинг барчаси тўғри деб қабул қила бошлади. Айрим китобларда “Фотиҳа” сурасининг охириги ояти хусусида саҳиҳ ҳадисда очиқ ойдин хабарлар айтиб ўтилганига қарамай, унинг тафсири ҳақида жуда кўплаб

фикрлар юзага келди. Тафсирни ўқиган киши мазкур омилларни ҳисобга олишилозим. Шу каби талабалар ҳам ҳар бир тафсирда келган хабарни тўғридан-тўғри қабул қилмай, уни талаблар асосида шартларга тўғри келиш ёки келмаслик жиҳатларини ўрганишлари лозим бўлади.

ХУЛОСА

Хулоса қилиб айтиш мумкинки, “Тафсир матнлари” фанини ўқишда талабалар қуръоншуносликка оид илмларни билишлари, илмий хулосалар беришда уларни эътиборда тутишлари лозим бўлади. Бунинг учун ислом тарихи, Қуръон нозил бўлиши, унинг сабаблари, ҳадислар ва уларнинг жамланиши ҳамда уларга қўйилган шартлар, ақидавий қарашлар, фикхий ҳукмлар, тасаввуфий таълимотлар ҳақида атрофлича маълумотга эга бўлишлари лозим бўлади.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – Б. 624.
2. Бурхонуддин Марғиновий. Ҳидоя. – Ж. 1. / Таржима ва изоҳлар муаллифлари: А.Қамбаров, А.Иқромжонов, И.Бекмирзаев. – Тошкент: «Hilol Nashr» нашриёт-матбааси, 2022. – 894 б.
3. Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Тафсири Ҳилол. – Тошкент: «Hilol Nashr» нашриёт-матбааси, 2022. 6 жилдли.
4. Қуръони карим маъноларининг таржима ва тафсири / Таржима ва тафсир муаллифи: Абдулазиз Мансур. – Тошкент: Тошкент ислом университети, 2018. – 624 б.
5. Саидова Г. Яъқуб Чархиянинг ҳаёти ва илмий мероси ҳамда унинг “Тафсири Чархий” асарининг туркий таржимаси // www.academia.edu 13.05.2023
6. Махсудов Д. Мовароуннаҳр ҳанафий мазҳаби тафсирларининг қиёсий таҳлили (XIII-XV асрлар): тарих фан. DSc ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020. – 70 б.
7. Абдуҳамидов М. Қуръон ва ҳадисларда экстремизмга раддиялар: исломшунослик фан. PhD ... дисс. автореф. – Тошкент, 2020.
8. Иноятов А. Имом Бухорийнинг “ал-Жомеъ ас-саҳиҳ” асаридаги тафсир илмига оид қарашлари: исломшунослик фан. PhD ... дисс. автореф. – Тошкент, 2021. – 53 б.
9. Раҳматуллоҳ қори Обидов. Қуръон ва Тафсир илмлари. – Т.: «Тошкент ислом университети» нашриёт-матбаа бирлашмаси, 2003. – 448 б.
10. Шайх Мухаммад Содиқ Мухаммад Юсуф. Қуръон илмлари. – Тошкент: “Hilol-Nashr” нашриёти, 2021. – 504 б.